O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING

Q A R O R I

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2022 - yil 29 - aprel 274-6-0-Q/22 Namangan viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига Тўрақўрғон тумани ҳудудидан метеорологик радиолокатор станцияси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 10 мартдаги 01-15/256-сон буюртма хати, Давлат Кадастрлар палатаси Наманган вилоят бошқармасининг 2021 йил 29 ноябрдаги 01-01/4011-сон ҳамда 2022 йил 6 апрелдаги 01-01/626-сон таклиф хатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 5-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарорида кўрсатилган ваколатли ташкилотлари томонидан ер майдони бўйича берилган ижобий хулосалари ва келишувлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тўрақўрғон тумани, “Исоқхон Тўра Ибрат” ММТП ҳудудидаги 135-контурда жойлашган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва ҳозирда туман ҳокимлиги заҳира ер фондида бўлган 0,50 гектар ер майдони Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига метеорологик радиолокатор станцияси қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилсин.

3. “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интегратсиялашган ахборот тизими” орқали автоматик равишда шакллантириладиган электрон харитаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар ушбу обектни қуриш шартлари этиб белгилансин:

а) шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этиш;

б) ер майдонидан белгиланган мақсадда самарали фойдаланиш;

в) қурилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ-4896-сон қарорида назарда тутилган муддатларда амалга ошириш;

г) объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш.

5. Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилоят бошқармаси:

ушбу ер участкасига кадастр паспортини расмийлаштирсин;

ер участкасига бўлган ҳуқуқни “Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интегратсиялашган ахборот тизими” орқали икки иш куни давомида давлат рўйхатидан ўтказсин;

вилоят қурилиш бош бошқармаси ҳамда “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК лойиҳа-қидирув ташкилоти филиали билан биргаликда уч иш куни давомида ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

6. Ушбу ер участкасининг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) белгилангунига ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар берилгунига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқлансин.

7. Ушбу ер участкасида қурилиш ишларини бошлашга ёки давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган бошқа мақсадларда фойдаланишга фақат ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин йўл қўйилади.

8. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (https://namangan.uz) эълон қилинсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Султанов зиммасига юклансин.

Viloyat hokimi **Sh.Abdurazakov**

Namangan viloyat hokimining
2022 yil 29 apreldagi
274-6-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Гидрометрология бошкармасига Радиолокатр ускуналарини ўрнатиш ҳамда кузатув станция бино иншоатлари қурилиши учун ажратилаётган ер майдони кўрсатилган қишлоқ хўжалик харитасидан

К Ў Ч И Р М А

Микёссиз.

"Исоқхон Тўра Ибрат" МЧ ММТП



Шартли белги

Ажратилаётган ер майдони чегараси

Кадастр Агентлиги Тўрақўрғон туман бўлими бошлиғи в.б **А.Шодмонов**